

СОҒЛОМ ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ва бу борада амалга ошириладиган чора-тадбирлар ёш авлод таълим-тарбияси, саломатлигига даҳлдор бўлган барча касб эгалари олдида далзарб вазифаларни қўйди.

Халқимизда «Бола бошдан» деган нақл бор. Бола кичик бўлсада, унинг митти юрагида дунёларга сиғмайдиган орзулари бўлади. Педагогларнинг олдида турган асосий вазифа эса фарзандларимизни келажакда соғлом фикрли, етук инсонлар қилиб тарбиялашдан иборатдир. Комилликнинг дастлабки қадами эса ана шу болаликнинг жўшқин орзуларидан бошланади. Ёшликда кўнгилда ниш урган беғубор, покиза ниятлар келажакка элтувчи нурли манзилларни белгилаб беради. Бу умидлар дебочаси, аввало, оилада шаклланади ҳамда мактабдаги билим олиш жараёнида сайқалланади. Ана шу митти юракдаги орзуларни улкан мақсадларга айлантириш борасида педагоглар ўз истикболли режа ва дастурларига қуйидагиларни киритишлари лозим.

Ёшларни жисмонан, маънан ва ақлан соғлом ўсишини таъминлаш, уларга тадбиркорлик, ишчайлик, мустақил фикр юритиш қобилиятини сингдириш, ҳар бир ёшни ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, садоқат, фидокорлик руҳида тарбиялаш ва ўз юрти тарихини, урфодатларини ўргатиш устоз-лар зиммасидаги асосий вазифалардан бири. Ўқувчиларни янги техника, технология ва фан ютуқларини, чет тилларини ўзлаштириш, ижодкорлик салоҳиятини ўстириш руҳида тарбиялашимиз даркор. Бундан ташқари, ёш авлодга таълим-тарбия беришда, уларни комил инсонлар қилиб тарбиялашда, фаоллиги-ни оширишда, дунёқарашлари, иқтидорларини иамоен этишда, ижодий фаолиятларининг илк қадамларида амалий тадбирлар, кўрик-танлов, ижодий учрашувлар, турли спорт мусобақаларининг аҳамияти катта. Шундай экан, ҳар бир педагог «Соғлом бола йили»даги истикболли режаларида юқоридаги фикрларга эътибор берсалар фойдадан ҳоли бўлмайди.

Чунки болалар бизнинг келажакимиз. Уларга бўлган эътибор эртага бунданда юксак чўкқиларини забт этишларида туртки бўлади.

Зулфия ХОЛМАТОВА, ФарДУ ўқитувчиси